

**МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИНИ  
ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА ТУРКИСТОН  
ЖАДИДЛАРИ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК  
ҒОЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**Қулматов Норқобил Эшмаматович**

катта ўқитувчи,

ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар

бўйича декан ўринбосари

E-mail: [norqobil.65@mail.ru](mailto:norqobil.65@mail.ru)

**Сулайманбеков Ойбек Дусбекович**

Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий

педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,

чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг

Тошкент филиали

E-mail: [oybek.sulaymanbekov@mail.ru](mailto:oybek.sulaymanbekov@mail.ru)

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақоланинг мазмунида мустақиллик шароитида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Туркистон жадидлари маърифатпарварлик ғояларининг ўрни ва роли баён этилади.

**Калит сўзлар:** Илм-фан, маърифат, маърифатпарвар, жадид, жадидчилик ғоялари, миллий тараққиёт, ўқувчи ёшлар, Ватан, ватанпарварлик, тарбия, тарих, миллийлик, миллий тараққиёт

## АННОТАЦИЯ

В содержании данной статьи описывается место и роль воспитательных идей современного Туркестана в воспитании студенческой молодежи в духе патриотизма в условиях независимости

**Ключевые слова:** Наука, просвещение, просвещение, модернизм, идеи модернизма, национальное развитие, студенческая молодежь, Родина, патриотизм, образование, история, национализм, национальное развитие

## ABSTRACT

In the content of this article, the place and role of the educational ideas of modern Turkestan in educating young students in the spirit of patriotism in the conditions of independence is described.

**Key words:** Science, enlightenment, enlightenment, modernism, ideas of modernism, national development, student youth, Motherland, patriotism, education, history, nationalism, national development

**Тадқиқот ишининг долзарблиги:** Ўзбек миллий давлатчилиқ тарихида XIX аср охири ва XX аср бошлари халқимизнинг тарихий тақдирида муҳим аҳамиятга молик бўлган даврдир. Ушбу давр тарихан қисқа вақтни ташкил этган бўлса-да, аммо шу даврда вужудга келган жадидчилик маърифатпарварлик ҳаракати мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида ислохотчилик ишларини амалга оширибгина қолмай, халқимизнинг маданий, маърифий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди ёки шу йўлда эътиборга молик катта ишларни амалга оширди.

Туркистон ўлкаси XIX аср охири - XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутди. Ўлканинг илғор зиёлилари чоризм истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солдилар. Шундай

экан биз танлаган “Мустақиллик шароитида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Туркистон жадиждари маърифатпарварлик ғояларининг ўрни ва роли” мавзуси бугунги кун учун энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланди.

**Муаммони ҳал қилиш йўллари:** Мустақиллик йилларида юртимиз ўқувчи ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг онги ва тафаккурида Она-ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида Туркистон жадиждилик ҳаракати ва унинг маънавий-маърифий асосларининг моҳияти, жадиждларнинг халқ тафаккурини ўстириш, жумладан ёшларнинг маънавиятини бойитиш йўлида олиб борган курашлари, жадиждилик ғояларининг Туркистонга тарқалишида миллий матбуот, бадиий адабиёт ва театрнинг аҳамияти ва уларнинг ижодида Миллий истиқлол ғоясининг ифодаланишидаги ўзига хосликлари ўрганила бошланди. Президентимиз айтганларидек, “Биз жадиждилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”деб айти ҳақиқатни айтиб ўтган эдилар. Тарихий тараққиёт жараёнидан шу нарса яхши маълумки ҳар қандай жамият ва инсон ҳаётининг бир маромда кечиши, эртами-кечми, таназзулга олиб боради. Шунинг учун ҳам Туркистонлик жадиждилик ҳаракатининг илғор вакиллари, халқимизнинг пешқадам зиёлилари ўша давр жамият ҳаётида кеча бошлаган таназзулга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш учун янги ғояларни “ишлаб чиқишган”.

**Таклиф ва тавсиялар:** XIX -аср охири ва XX-аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига эътибор берсак, маърифатпарварлик мафкуриси демократик ва миллий-ватанпарварлик ҳаракатларининг ғоявий мазмунини ташкил этганлигини кўраимиз. Мамлакатимизда маърифатпарварлик ғоясининг келиб чиқишига асосий сабаб,

биринчидан, рус истилочилик сиёсатининг чуқурлашиб бориши натижасида пайдо бўлган миллий озодлик ҳаракатлари, иккинчидан, ғарбдан кириб келаётган демократик ҳаракатларнинг истилочилар томонидан бўғиб қўйилиши, учинчидан, миллатпарвар - фидойӣ кишиларнинг қаттиқ таъқиб остига олинганлиги ва ҳатто уларнинг қатл этила бошлаганлиги эди.

“Жадид” арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам янгилик ва ислохотчиликка интилувчи, тараққийпарвар миллий зиёлилар тарихда “жадид” деган номга мушарраф бўлдилар. Жадидчилик деб номланган бу ҳаракатнинг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички муҳит ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий ва демократик янгиланишлар билан боғлиқ бўлди. Жадид атамаси янгилик тарафдорларини, янгилик ғояларини ифода этувчи тушунча сифатида қўлланилган. XIX -асрнинг охирига келиб дунё тамаддунида бўлаётган улкан маданий –маърифий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янги мунособатлар у ёки бу тарзда секинлик билан бўлсада, Туркистон ўлкасига ҳам кириб кела бошлади. Янгилик тарафдорларини Абдулла Авлоний сўзи билан айтганда, “газета ўқиғувчиларни” муллалар “жадидчи” номи билан атар эдилар.

Туркистонда жадидлар “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар”, “Ёш туркистонликлар” деган номларда фаолият олиб боришган.

Жадидчилик ҳаракати қолақлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш учун ўз замонасининг илғор зиёли қатламлари қарашларида вужудга келди. Жаҳолат уйқусидан уйғониш, тарихий заруратга айланган эди. Бошқача қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати ижтимоий ривожлантиришнинг, тарихий тараққиётнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий – сиёсий ҳаракат эди. Ўлкада миллатнинг дард-аламларини, бутун аянчли, мудҳиш, фожиали оғир қисматини ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, ўзининг бутун борлигини, ақл-заковатини,

онгини, ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этган зиёлиларнинг бутун бир янги авлоди шакллана бошлади. Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият куриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш ва ҳокозолардан иборат эди.

Туркистон жадидчилик ҳаракати баъзи-бир тарихга оид адабиётларда айтилганидек, “олдин маданий-маърифий ҳаракат бўлиб, кейин ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ўсиб ўтгани” йўқ. У ўз табиати мақсад ва моҳиятига кўра, дастлабки кунданок, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ислохотчилик ҳаракати бўлган.

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиб, ривожланишида қримлик Исмоилбек Гаспиралининг (1851-1914) ҳиссаси беҳад катта бўлди. У Қримда XIX асрнинг 80-йиллардаёқ, Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчи бўлиб жадидчиликка асос солди. Унинг рус ва туркий тилларда чоп этилган “Таржимон” (1883-1914) газетаси, “Россия мусулмонлиги” (1881), “Оврупа маданиятига бир назар мувозини» “ (1885) ва бошқа асарлари ҳамда жадид мактаби учун ёзган дарслик ва қўлланмалари Туркистонга тез кириб келди. Жадидчилик ғояси Туркистонда XIX аср 80-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб тарқалиб, шу асрнинг 90- XX асрнинг бошлари оралиғида мунтазам ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракат сифатида шаклланди.

Туркистон жадидчилик ҳаракати асосан икки даврга бўлинади: 1) XIX асрнинг 90-йилларидан-1917 йил февралгача; 2) 1917 йил февралдан-1929 йилгача. Биринчи даврнинг ўзи уч босқичга бўлинади: 1) Жадидчилик ғоясининг пайдо бўлиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90-йиллари-1905 йил); 2) Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллар); 3) Жадидчиликнинг чоризм

томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган даврдаги ривожланиши (1909-1916 йиллар). Иккинчи давр ҳам воқеалар ривожланишига қараб уч босқичга бўлинади: 1) 1917 йил феврал-октябрь; 2) 1917 йил ноябр-1924 йил; 3) 1925-1929 йиллар.

Жадид мактабида диний ва дунёвий таълим-тарбия ҳамда илм ўзаро уйғунлаштирилди. Болалар қулай парталарда ўтириб, харита ва расмлар ёрдамида тез савод чиқарди ва диний – дунёвий илмларни ўрганди. Жадид мактабларида Қуръони-карим, математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва ҳатто жисмоний тарбия ўқитила бошланди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати уч соҳа орқали фаолият кўрсатди. Булар – маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадий адабиёт, театр) ва матбуот.

Асосий мақсад миллатни, бир томондан, илм-маърифатли қилиш бўлса, иккинчи томондан унинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида, ўзлигини, ўз қадрини англаган билимли шахсни вояга етказиш эди. Туркистон жадидчилари томонидан ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида катта ишлар қилинди.

Жадидчилик ҳаракати жадид адабиётининг асосчилари бўлган йирик истеъдод эгалари-жадид адиби, шоири, драматурги ва санъати арбобларини ҳам тарбиялади. Жадидшунос таниқли олим профессор Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, уларнинг 1905-1917 йилларда адабий-маданий ҳаракатчиликда қизгин фаолият кўрсатганлари саксондан ортиқ бўлган. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1864-1927), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров-Тавалло (1882-1939), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Мухаммадшариф Сўфизода (1869-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929),

Абдулла Қодирий (1894-1938), Абдулхамид Чўлпон (1897-1938) ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Мунавварқори Абдурашидхонов** (1878-1929) – Ўрта Осиё жадиличлик ҳаракатининг йўлбошчиси. XX-аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги мактаб асосчиси, миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир эди. У Тошкентда 1901-йилда усули жаид мактабини очган ва шу мактаблар учун махсус ўқув дастурлари тузган. Унинг “Адиби аввал” (1907), “Адиб ус-соний” (1907), “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк”, “Тажвид” (1911), “Ҳавойижи диния”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” (1912), “Эр юзи” (1916-1917), тўрт қисмдан иборат “Ўзбекча тил сабоқлари” (Шорасул Зуннун ва Қаюм Рамазон билан бирга) дарсликлари шулар жумласидандир.

Жадиличлик ҳаракатнинг яна бир йирик вакили - **Махмудхўжа Бехбудий** (1875-1919). Унинг ташаббуси билан Самарқанда янги усул мактаблари очилди. Адиб бу мактаблар учун 1904-1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол”, “Амалиёти ислом”, “Мухтасар тарихи ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзади.

**Абдулла Авлоний** (1878-1934) ҳам жадиличлик ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб танилди. У ўзининг замондош жаидлари, издошлари каби янги усул мактаблари очиб, уларга ўзи мударрислик қилди ва дарсликлар ёзди. Унинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” сингари дарслик, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўпламлари, айниқса, юқори синф ўқувчиларига дарслик сифатида ёзилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари (1913-йил) машҳур бўлди.

Жадиличлик ҳаракатининг Бухородаги йирик вакиллари билан бири - **Абдурауф Фитрат** (1886-1938). У 1909 йилда Истамбулда нашр этилган “Мунозара” асарида Бухоро амирлиги идорасига маълум ислохот – ўзгариш киритиш ғояси ва “Усули жаид” деб номланган янги маориф тизимининг

асосларини илгари сурди. Фитрат бутун вужуди, оташ ва жўшқин юраги билан, ижоди ва фаолияти билан мамлакат ёшларини ривожланган янги дунё томон сафарбар этади.

Маърифатчи жадидлар жуда оғир шароитларда ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай, миллатимиз маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб бурилиш даврларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини, кучайтириш биринчи даражали вазифа, деб билдилар. Улар халқимиз болалари учун мактаблар очар, ўқув қўлланма, дарсликлар ёзар ва дарс берар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз шахсий маблағларини ҳам аямаганлар.

Умуман олганда, XIX аср охирига келиб маҳаллий зиёлилар биринчидан, халқни илмли-маърифатли қилиш орқали миллий онг ва тафаккурни уйғотишга, иккинчидан, миллий давлатчиликни тиклаш, туркий тил бирлигига эришиш, диний ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш, учинчидан, Марказий Осиё халқларини замонавий ва демократик тараққиёт йўлига олиб киришга ҳаракат қилдилар.

**Кутилаётган ижтимоий самара(натига):** Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш механизмларини такомиллаштириш технологияларидан фойдаланишнинг назарий-педагогик асослари ишлаб чиқиш, унинг шакллари ва самарали усулларини аниқлаш ва таълим-тарбияни такомиллаштиришда

Мустақиллик шароитида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мотивларини ишлаб чиқиш, ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Туркистон жадидлари маърифатпарварлик ғоялари шахсни камол топтиришда ёрдам беради. Бугунги янги Ўзбекистон заминида жадидлар орзу қилган озод мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон ва давр талаблари билан уйғунлаштиришга давлатимизнинг амалдаги президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга



оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июндаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти айнан ўқувчи ёшлар таълим-тарбия тизимининг миллий заминини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан белгиланади.

**Хулоса** ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, жадид боболаримиз моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш даврида миллатнинг онгини юксалтириш, миллий ифтихор туйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Минтақа халқларининг миллий-маънавий манфаатлари ҳамда кадриятлари поймол этилди, уларнинг ҳатто, энг оддий ҳақ-ҳуқуқларига ҳам менсимаслик кайфияти билан қаралиб, улар оммавий равишда асоратга солинди.

ҳақиқатда, миллий ғоя, миллат тафаккурининг энг илғор намуналарини акс эттирган дарслик ва қўлланмалар тузиш, хорижий тилларни мукамал билиш, касб-ҳунар ўргатишни жорий этиш каби тамойиллар ўз даврида жадидчилик вакиллари ўйлантирган ва уларнинг бу йўлдаги бевосита саъй-ҳаркати фаолиятимизнинг замонавий интеллектуал тараққиёти пойдеворига замин яратишга хизмат қилди. Жадид маърифатпарварлари томонидан яратилган улкан бой маънавий мерос бугунги кун ўқувчи ёшларимизни ҳар томонлама билимли, интеллектуал салоҳиятли ва баркамол бўлиб шаклланишларида асосий рол ўйнайди. Улар қолдирган илмий мерос минг йиллар давомида ўзининг қадр қимматини асло йўқотмайди.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишлар юзасидан “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида фармони, 1-илова.Т. Ўзбекистон,2017 йил.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Т.: НМИУ, 2017й
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизни розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент. Ўзбекистон. 2018
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008  
Абдулло Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд-ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи. 1996
- 5.Иброҳимов А. Ватан туйғуси.-Т.: Ўзбекистон, 1996